

## №14- сонли пудрат шартномаси

Фориш тумани

Лот №204718

«15» Декабр 2022 йил

Фориш туман тиббиёт бирлашмаси (кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи А.Жаббарова ва "ООО GIDRO INSHOOT KAFOLAT" (кейинги уринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юрутувчи жамият раҳбари Ш.Усмонов мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи уз зиммасига буюртмачиининг топширигига кура мазкур шартноманинг 1.2-бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун хак тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги уринларда "Ишлар" деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбурумиятларин олади:

	Товар (махсулотлар) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	ККС	Бахоси
1	Фориш ТТБ га карашли Кориз ОШП биноси ва Отакургон, Асраф, Сафарота, Шохусмон ва Илонли махалла тиббий пункт биноларини жорий таъмирлаш"	услуга	1	149 450 000	ККСсиз	149 450 000
	Жами:					149 450 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси : 149 450 000(Бир юз кирк туккиз милион турт юз эллик минг) сўмни ташқил қиласди

**Фориш ТТБ га карашли Кориз ОШП биноси ва Отакургон, Асраф, Сафарота, Шохусмон ва Илонли махалла тиббий пункт биноларини жорий таъмирлаш ишларини бажаради.**

Курсатилган ишларни бажариш учун пудратчига зарур лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни узининг материалларидан, узининг асбоб-ускунасида ва узининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблаги ажратилган кундан бошлаб 15 кун ичига амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий кийматининг 30%и микдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни кабул килишда аникланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тулик хджмда бажарилгандан сунг 70% буюртмачига бажарган ишлари учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Газначилик органларида руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал киласди.

### 3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим булган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларнимазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ауёарни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлаш хамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадитан махсус ташкилотлар билан суппурат шартномаларини тузнани тугрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чикишга йул куйилган булса, буюртмачииинг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичидаги текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлини ва объектни куриклаш буйича зарурий чоратадибрларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

**3.2. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:**

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида курсатилган гак тулаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукукига эга.

**3.3.Буюртмачииинг мажбуриятлари:**

3.3.1. Пудратчидан ишлар туганланганлиги хакида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичидаги мазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини куриб чикиш ва кабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар анивданганда, булар хакида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини кабул килган пайтдан мазкур шартиоманинг 3-бандида курсатилган хисоблашишлар тартиби буйича ишлар учун хак тулаш.

**3.4. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:**

3.4.1. Хар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси узига топширилгунга кадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномаси бажаришдан воз кечганлиги тугрисидаги хабарнома олингунга кадар бажарилган ишлар кисмига мутоносиб кисмини пудратчига тулаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартиоманинг бекор килиниши туфайли етказилган заарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳдмма иш учун белгиланган баҳо уртасидаги фарқ доирасида тулаши хам шарт.

**4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 149 450 000 (Бир юз кирк туккиз милион турт юз эллик минг) сумни ташкил киласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тулаш бажарувчининг мазкур шартномада курсатилган хисоб-китоб хисобварагига пул маблагларини кучириш йули билан амалга оширилади.

**5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартиоманинг 1.4-бандида курсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20% микдорида жарима ва хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 %и микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 %идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хаккини уз вактида туламаганлик учун буюртмачи пудратчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 %и микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 %идан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

5.3. Мазкур шартномада кузда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси худудида амал килувчи фукаролик конунчилиги меъёрларига мувофик кулланади.

5.4. Неустойка тулаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

**6. Форс-мажор холатлари**

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлик булмаган сабабларга кура ва ёнгидан булмас куч

мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар змас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирилаши, сув тошкени, ёнгин ва бошкабатиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётгандигини Узбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи булиб гисобланади,

6.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир курсатиши ёки монелик килиши түгрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

#### **7. Низоларни хал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномаи бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон кадар музокаралар йули билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йули билан хал этиш имкони булмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалда оширилганларидан сунг уларни Жиззах шахрида жойлашган Жиззах вилоят хужалик судида куриб чикишга топширадилар.

#### **8. Шартномага узгартариш ва кушимчалар киритиш тартиби.**

8.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган кушимча ва узгартаришлар ёзма равишида расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзоланиб, Газначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг кучга эга булади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган заарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи куйндаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом булиш муддати бир ойдан купга ошиб кетганда;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

18.4. Пудратчи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик булмагаи сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;
- Буюртмечи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йукотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачигатугатилмаган курулиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган, бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади,

9.

#### **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ**

9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-кисм в) бандига мувофиқ: Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни ташкилот ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий кимматликлами ёки мулкий наф олиш учун куйидаги ҳаракатларни килмайди:

пора беришни тақлиф қилиш ёки ваъда бериш;  
товламачилик қилиш;  
пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

9.2. Агар шартнома бўйича бир томон ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конунчилик хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан,

коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони: Call markaz-1253, Telegram-kanali e-mail: info@anticorruption.uz”

## 10. Якуний коидалар

- 10.1 Мазкур шартномага киритиладиган хдр кандай узгартариш ва кушимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакйллари томонидан имзоланиб, Газначилик органларида руйхатдан утгандан сунг ҳакикий хисобланади.
- 10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга зга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.
- 10.3 Шартномага илова

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### "Пудратчи"

"ООО GIDRO INSHOOT KAFOLAT"

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Фориш туман Михин кишлоги

Х/Р 20208000700397856001

Банк: Ипотека банк Жиззах шахар

ИНН: 303072462

МФО: 00122

ОКОНХ61110

### "Буюртмачи"

### Фориш ТТБ

Манзил: Фориш тумани Богдон ш.

ш/х 100022860082357073101054010

Банк: Тошкент ш Марказий банк

МФО: 00014 СТИР: 200341496

Газначилик булинмаси номи

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ягона Газна хисоб вараги

Газна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014

Газначилик булинмаси СТИР:

201 122 919



Корхона раҳбари Н. Усманов

Рахбар: А.Жаббарова

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	Adiba JAbbarova
	Imzolangan sana	undefined
	Hujjat kodi	<b>SL6868181264</b>
	Hulosa kodi	<b>MP3353440233</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**MP3353440233**

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: "**OOO GIDRO INSHOOT KAFOLAT**" bilan Forish tuman tibbiyot birlashmasiga qarashli Koriz OSHP binosibinosini va Otaqorgon .Asraf.Safarota.Shoxusmon va ilonli mahalla tibbiy punkt kontenerlarni joriy tamirlash uchun**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Forish tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 13.12.2022 yilda kiritilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Forish tumani yuridik  
markazi  
markaz rahbari:**



**F.S.TO‘YCHIYEV**

**14.12.2022**